

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



РЭУ.РФ
РАСПОЛЖЕНИЕ
ИМЕНЕМ Г.В. ДУХАНОВА
ДАВЛЕТДИН ОДИЛОВА



Hochschule
Bremerhaven



PIMT
Prague Institute of
Management and Technology

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
105 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ
“ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ -
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИ ОМИЛИ”
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН



INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE
DEVOTES TO THE 105th YEAR ANNIVERSARY OF
THE NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN
“DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL IS A FACTOR OF
THE NATIONAL ECONOMY'S SUSTAINABILITY”

2023 йил 3 май

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**



РЭУ.РФ
РУССКИЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ Г.В. ПЛЕХАНОВА
ТАШКЕНТСКИЙ ФИЛИАЛ



**Hochschule
Bremerhaven**



PIMT
Prague Institute of
Management and Technology

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
105 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ**

**“ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ-
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИ ОМИЛИ”**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
(3 май 2023 йил)**

***INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
DEVOTES TO THE 105th ANNIVERSARY OF
THE NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN***

***“DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL IS A FACTOR OF
THE NATIONAL ECONOMY’S SUSTAINABILITY”
(May 3, 2023 year)***

Тошкент-2023

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-582-сон 2019 йил 11 ноябрь. www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонун ЎРҚ-765-сон 2022 йил 20 апрель. www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-53-сон 2006 йил 20 сентябрь. www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4400-сон “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори 2019-йил 23-июль. www.lex.uz.
5. Банки и небанковские кредитные организации и их операции. Учебник / Под.ред. Е.Ф.Жукова.-М.:Вузовский учебник, 2005.-491с.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви 3300- сонли Қарори. 2021 йил 2 апрель. “Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисида”ги Низом.
7. www.cbu.uz. - Марказий банк расмий сайти.

Тўхтамуродов Д. Н.

*Жиззах шаҳридаги Қозон федерал
университети филиали бош муҳандиси
+99891 590 40 05, davrontuxtamurodov@mail.ru*

ҲУДУДЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИНСОН КАПИТАЛИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун жамғариш ва инвестицияларнинг юқори суръатларда ўсишининг ўзи етарли бўлмайди. Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун бевосита хорижий инвестициялар ҳаракатидаги тенденцияларни ҳам ҳисобга олиш, инсон капиталига инвестициялар, юқори технологиялар ва техникани яратиш билан боғлиқ бўлган билимларни ривожлантириш, илғор фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал этиш ҳам зарур.

Жаҳон банки томонидан эълон қилинган ҳисоботларда «инсон капитали» ва бошқа барча миллий бойлик элементларининг (ресурслари) ишлаш муддати 25 йилни, уларнинг ҳар йиллик эскириш қиймати 4 фоизни ташкил этади [1].

Маълумки, Ўзбекистон Республикани 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингига кўра дунёнинг 50 та етакчи давлатлари таркибига

киритиш бўйича улкан мақсадга эришиш учун инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган стратегик режа эълон қилинди. Инновациялар оқимига асосланган ушбу иқтисодиёт инсон капиталига таяниб бозор муносабатлари субъектларидан чуқур билим, фаолликни, янгиланиш ва янги гоа, ҳаракатлар ҳамда замонавийликни талаб этади.

Иқтисодчи олим Ш.Мустафоқуловнинг фикрича “Худудларнинг инновацион ривожланиши ва унга баҳо беришда инсон капиталининг ҳолати, худудда мавжуд бўлган техник-технологик ишланмалар, ихтироларнинг сони, уларнинг жон бошига тўғри келиши билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлилини амалга ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатларда худудларнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш бўйича орттирган илғор илмий-услубий тажрибаларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш” мақсадга мувофиқ [2].

Шу жиҳатдан инвестициялардан самарали фойдаланишни бошқаришда ҳар бир худуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати тадқиқ қилиниб, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

- географик жойлашув ўрнига кўра, худудларнинг инвестицион фаолияти стратегиясини тақдим этиш. Бунда худуддаги фирмаларни умумий ривожланиш стратегиясини ва диверсификацион ўзгаришларни прогноз қилиш, узок муддатли даврда инвестицион фаолиятнинг асосий йўналашларини шакллантириш, яқин истикболда инвестицион фаолиятни энг муҳим вазибаларини аниқлаш ва инрвестицион лойиҳанинг худуд иқтисодиётини ривожлантиришга таъсири баҳоланади.

- инвестиция бозори конъюктурасини ижтимоий-иқтисодий ўрганиш. Бу эса худуд инвестицион фаолиятини амалга оширишга таъсир кўрсатувчи ижтимоий, экологик ва шу каби бошқа давлат аҳамиятига эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни назарда тутати.

- худудларнинг инвестицион ресурсларини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш. Худудларга тўғридан-тўғри инвестицияларни йўналтиришда маҳаллий бошқарув органлари инвестицияларни жалб қилиш бўйича худудларнинг узок муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалиётга тадбиқ этиши мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда тадқиқот объекти сифатида танланган Жиззах вилоятига 2017-2022 йиллар давомида Халқаро молия институтлари молиялаштириш лойиҳалари доирасида 15 915,5 млрд.сўм маблағ ажратилган, бўлиб, бу маблағлар, Халқаро тараққиёт уюшмаси, Япония халқаро банки, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси, Ипак йўли жамғармаси (Хитой) ва бошқа давлатлардан ажратилган маблағлардан ташкил топган.

Академик Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича “Инвестиция борасида қарор қабул қилинганда, инвестор келажакда кўпроқ даромад олиш илинжида бугун

ҳаракат қилади. Табиийки, инвестициядан олинадиган даромадда ўзига яраша хатар даражаси ҳам бор (чунки ҳеч ким келажак даврни аниқ айтиб бера олмайди), аммо улар келажакда олинадиган даромад эканлигини ҳисобга олсак, улар иқтисодий жиҳатдан қулай даврга тўғри келиши ҳам мумкин”[3, 212.]

Инвестицион самарадорликни ошириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш учун инвестиция дастурларининг самарали ўзлаштирилишини тўлиқ таъминлаш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- инвестиция ресурслари манбаларини аниқлаш, уларни шакллантириш учун маҳаллий бошқарув органлари томонидан ҳар бир туман бўйича инвестиция дастурлари бажарилишининг узлуксизлигини таъминлаш, мониторингни олиб бориш;

- инвестиция ва маҳаллийлаштириш дастурларини бажариш ҳамда Жиззах маҳсус индустриал зонаси ривож бўйича транспорт логистикасини ҳар томонлама ривожланиши, бу борада инновацион механизмларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, инвестиция жараёнини қўллаб-қувватлайдиган инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқаришдаги инновацион ва инвестицион муҳит, ишлаб чиқариш жараёнининг инновацион ташкил этилишига эришиш ва бошқалар.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар иқтисодий ўсишнинг барқарор пойдевори сифатида хизмат қилмоқда. Миллий иқтисодиётнинг яқин истиқболда барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашда қуйидаги йўналишлар бўйича чора-тадбирларни янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- миллий иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш ишларини янада фаол давом эттиришда;

- инсон капиталига инвестициялар киритишни фаоллаштириш орқали истиқболда илмий сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш;

- миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожининг муҳим омили сифатида фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш орқали муҳим стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек хорижий капитални аввало моддий экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришга жалб қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг асосий активи инсон капитали ва унинг сифатли бўлиши, яъни, янги технологиялар соҳасида чуқур билимларга эга,

уларни ҳаётга татбиқ эта олишга қодир, эски нарсаларни такомиллаштира оладиган мутахассислар учун етарли шарт-шароитлар яратиш.

- жаҳоннинг ривожланган давлатлари сингари замонавий иқтисодиёт ва жамиятни ривожлантирадиган асосий ишлаб чиқариш ва ижтимоий омил сифатида инсон капиталининг ўзига хос ноёб имкониятлари, иқтидорларини шакллантириш имкониятларини кенгайтириш.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. <http://www.worldbanr.org>.
2. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт (Монография) Тошкент 2017 -32 Б.
3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик / Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "FAN" нашриёти давлат корхонаси, 2019. –212 б.